

**«МИРОБОД ДЕХКОН БОЗОРИ» АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ  
БАЁНИ**

2023 йил 15 март

соат 10 -<sup>00</sup>

Овоз берувчи акциялар сони: 922781

Акциядорларнинг 2022 йил молиявий фаолияти якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Миробод тумани Нукус кучаси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2023 йил 15 март кунини ўтказилди. Йиғилишда 871314 овозга эга 7 та акциядор катнашди, бу жами акциядорларнинг 94,4 % ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Йиғилишда қатнашганлар:

Д.И.Ганиев – “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК, Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари

Т.К.Камолов – Кузатув кенгаши аъзоси

Б.Г.Рустамов – «Миробод дехкон бозори» АЖ директори

Реестр бўйича акциядорлар сони 489 та. 922781 овоз. Бошқа тегишли мутассадди ходимлар, жамми акциядор 7 та акциядор, 871314 овоз билан катнашиб, йиғилиш ўтказиш учун кворум 94.4 % ни ташкил этди.

Тошкент шаҳар Хокимиятига тегишли акцияларнинг ишончли вакили этиб, “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари Д.И.Ганиев юборилган.

Йиғилишда раисликни кузатув кенгаши аъзоси Т.К.Камолов олиб борди.

Т.К.Камолов йиғилиш ўтказиш учун кворум 94.4 % бўлганлигини маълум қилди ва йиғилишни очиш учун овозга қўйди.

Йиғилиш қатнашчилари бир овоздан йиғилишни очиш учун овоз бердилар.

Йиғилишга котиб этиб, С.Б.Назарова номзоди таклиф этилди ва йиғилиш қатнашчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Шунингдек, Т.К.Камолов йиғилишга санок комиссияси сайлаб олиш лозимлиги ҳақида айтиб, санок комиссияси номзодлигига таклиф этилган М.Н.Араббаева, Л.И.Усманова, А.У.Мирасуловларни овозга қўйди.

Санок комиссияси юқоридаги таркибда бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов умумий йиғилиш кун тартибига қуйидаги масалалар киритилганлигини маълум қилди:

1. *Жамият директори ва Кузатув кенгаши раисининг жамиятнинг ривожлантириши стратегиясига эришиш бўйича 2022 йил давомида қўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботларини эшитиш;*

2. *Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан таъқиқ аудитори текшируви ҳулосасини кўриб чиқиш;*

3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз вақолат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаршига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари;*

4. *Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик хисоботини тасдиқлаш;*

5. *Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг соф фойдасини тақсимлаш;*

6. *Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган “Бизнес режаси”ни ҳамда “даромадлар ва харажатлар сметаси”ни тасдиқлаш;*

7. *Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш;*

8. *Жамият Кузатув кенгашини сайлаш;*

9. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш;*

10. *Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш;*

11. Жамият ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва тасдиқлаш;

12. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги тахрирда тасдиқлаш;

13. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги тахрирда тасдиқлаш;

14. Жамиятнинг “Умумий йиғилиш ҳақида”ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги тахрирда тасдиқлаш;

15. Жамиятнинг “Ижроия органи ҳақида”ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги тахрирда тасдиқлаш.

Йиғилиш раиси Т.К.Камолов кун тартибидаги масалаларни муҳокама этиш учун овозга қўйди. Ушбу таклиф овозга қўйилди ва йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан қабул килинди.

Шунингдек, йиғилиш катнашчилари томонидан кун тартибидаги масалалар юзасидан регламент куйидагича бўлиши ҳақида келишиб олинди.

Биринчи масалага 10 минут, колган масалаларга 5 минут, муҳокамада сўзга чикувчилар учун 3-5 минутдан вақт берилиши келишиб олинди.

Санок комиссияси томонидан йиғилиш муҳокамасига куйилган масалалар юзасидан бюллетенларга овоз бериш қай тартибда амалга оширилиши ҳақида тушунча берилди.

Кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов сўзни жамият директори Б.Г.Рустамовга берди.

Б.Г.Рустамов сўзга чиқиб, «Миробод дехкон бозори» АЖ нинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича куйидагиларни маълум қилди:

«Миробод дехкон бозори» АЖнинг молиявий хўжалик фаолиятини 2022 йилга мўлжалланган бизнес режаси ва жамиятнинг 2022 йилги даромадлар ва харажатлар сметасининг 12 ойлик якунлари бўйича жамият режалаштирган даромадлар қисмининг барча бандларини бажарди.

Шундан;

Жой ҳақи режаси 1996619,0 минг.сўм, амалда 2042918,0 минг.сўм, режага нисбатан 46299,0 минг.сўмга кўп бажарилди. Хизмат ҳақи режаси 1840795 минг.сўм, амалда 1867362,0 минг.сўм, режага нисбатан 26567,0 минг.сўмга кўп бажарилди. Автотўхташ жойи режаси 1079195,0 минг.сўм, амалда 1050107,0 минг.сўм, режага нисбатан -29088,0 минг.сўмга кам бажарилди, арава хизмати режаси 204300,0 минг сўм, амалда 211725,0 режага нисбатан 7425,0 минг сўм кўп бажарилди, тарози хизмати режаси 183915,0 минг сўм, амалда 184390,0 режага нисбатан 425,0 минг сўмга кўп бажарилди, хожатхона хизмати режаси 46467,0 минг сўм, амалда 70181,0 режага нисбатан 23714,0 минг сўмга кўп бажарилди, \*қоровул хизмати режаси 200818,0 минг сўм, амалда 201598,0 режага нисбатан 780,0 минг сўм кўп бажарилди, ижара ҳақи режаси 5130666,0 минг.сўм, амалда 5174965,0 минг.сўм, режага нисбатан 44299,0 минг.сўмга кўп бажарилди. Инфратузилма даромади режаси 8595,0 минг.сўм, амалда 8595,0 минг.сўмга бажарилган. Жами даромадлар режаси 9199602,0 минг.сўм, амалда 9374859,0 минг.сўм, режага нисбатан 175257,0 минг.сўмга кўп бажарилганлигини айтиб ўтди.

2022 йил бўйича соф фойда режаси 1584872,0 минг.сўм режалаштирилган бўлса, амалда 1730114,0 минг.сўм, режага нисбатан 145242,0 минг.сўм. кўп бажарилди.

Жамият директори Б.Г.Рустамов ўз сўзини давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарориди “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш ва қўллаш ҳамда тақдим этилган рақамларга асосан 2022 йил якунлари бўйича олинган СЙК (КПЭ) = 227,1 % ташкил этаётганлиги боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгиланган норма кўрсаткичларига асосан, ўрта даражада деб топилганлиги тўғрисида ахборот бериб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис раиси Т.К.Камолов сўзга чиқиб, жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил мобайнида олиб борган фаолияти бўйича батафсил тўхталди. Жамият низомига мувофиқ жамиятни 2022 йилга тасдиқланган йиллик бизнес – режа бажарилишининг бориши тўғрисида жамият ижро этувчи раҳбарининг хисоботлари ҳар чоракда эшитилди. Жамият ижро этувчи орган томонидан ҳар чоракда берилган хисоботларда мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ундириш ишларини жадаллаштириш ва бундай қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметасида белгиланган харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймаслик ҳамда ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган фармонлар, фармойишлар ва буйруқларни ўз вақтида бажарилиши юзасидан тавсиялар бериб борилди. Шунингдек, Ўз навбатида Кузатув кенгаши мажлисларида қабул қилинган қарорларни ижроси, назорати ва бажарилиши ижроя орган директоридан талаб этилди. Акциядорлик жамиятлари қонунига асосан жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган бизнес – режаси 2022 йил 28 ноябрида Кузатув кенгаши мажлисида дастлабки тарзда маъқулланди, тасдиқлаш учун 2023 йил 15 мартдаги акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилди. Жамият ижроия органи томонидан барча ҳужжатлар ҳеч қандай тўсиқларсиз Кузатув кенгашига бериб борилди. 2022 йил мобайнида "Миробод дехқон бозори" АЖ Кузатув кенгаши акциядорлик жамиятлари қонуни ва жамият низомига мувофиқ ваколати доирасидаги масалаларни Кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқилганлиги тўғрисида умумий мажлис қатнашчиларини таништириб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни аудиторлик ташкилоти ходими маълум сабабларга келмаганлиги учун жамият бош хисобчиси М.А.Худаярова хисобот берди.

М.А.Худаярова сўзга чиқиб, Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан МЧЖ шаклидаги "FTF-LTA-AUDIT" аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил молиявий – хўжалик фаолияти юзасидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳаққоний, қонунчиликка асосан ўтказилганлигини айтиб, жамият аудитори томонидан ижобий хулоса берилганлигини айтиб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи масала** бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси Ғ.Тўйчиев тафтиш комиссияси хулосасини йиғилганларга ўқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖнинг ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

жамиятнинг хисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

афилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **тўртинчи масала масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосиби М.А.Худаяровага берди.

Жамият бош мухосиби М.А.Худаярова сўзга чиқиб, жамиятни 2022 йил молиявий – хўжалик хисоботи (баланс) бўйича тўлиқ таништириб ўтди.

"Миробод дехқон бозори" акциядорлик жамиятининг 2023 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси.

минг сўмда

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	3518111,6	Устав капитали	821275,1
Узоқ муддатли инвестициялар жами	12475,6	Резерв капитали	3539543,7
Қимматли қоғозлар	8475,6	0	0
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар	0	Таксимланмаган соф фойда	1730114,6

Товар моддий захиралари	109979,5	Мақсадли тушумлар	245170,4
Дебиторлар	540455,6	Кредиторлар	259724,6
Пул маблағлари	664806,1		
<b>Жами</b>	<b>6595828,4</b>	<b>Жами</b>	<b>6595828,4</b>
		Соф фойда	1730114,0

**Молиявий натижалари:**

1. Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум 8183970,0 минг сўм.
2. Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси 2162643,0 минг сўм.
3. Фойда солиғи 432529,0 минг сўм.
4. Ҳисобот даврининг соф фойдаси 1730114,0 минг сўм.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан мажлис раиси сўзни жамият бош мухосибиди М.А.Худаярова сўзга чикиб, 2022 йил якуни бўйича жамият даромадлар ва харажатлар сметасига асосан ҳамда жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланси кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича олинган 1 730 114 000 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимланишини таклиф қилди:

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги “2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида “Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг 1 июлига қадар 2022 йил якуни бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдоридан ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказиши” деб белгилаб қўйилганидан келиб чикиб, соф фойдани 50% қисмини яъни, 865057000 сўмни акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш;

- Жамиятда 2022 йил якуни бўйича эришилган натижаларидан келиб чикиб, жамият бошқарув органлари ва ходимларини 2022 йил якуни бўйича рағбатлантиришга 495190000 сўм;
- жамиятнинг захира жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмайди;

- Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чикиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондиди қўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга 369867000 сўм.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Мажлис раиси кун тартибидаги **олтинчи масала** бўйича сўзни жамият директори жамият директори Б.Г.Рустамов 2023 йил учун тайёрланган «БИЗНЕС РЕЖА» ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилганларни таништирди, «БИЗНЕС РЕЖА»да жамиятнинг 2023 йилда амалга ошириладиган ишлари, жамиятнинг молиявий нуфузини янада ошириш ва йил якуни бўйича дивидендлар салоҳиятини ошириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва қўшимча даромадлар манбаини ташкил этиш йўллари топиш кўрсатилганини билдирди.

Мажлис раиси ушбу масала буйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи Т.К.Камолов сўзга чиқиб қуйидагилани айтиб ўтди:

- 2022 йил 15 март куни ўтказилган жамият акциядорларининг навбатдаги Умумий йиғилиш қарорига мувофиқ жамият директори этиб Рустамов Бахтиёр Ганиевич сайлангани, шу давр мобайнида у ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги, талабчанлиги ва хушмуомалалиги билан жамоа ўртасида хурматга эга бўлди. Меҳнат-технология интизомини сақланишини, ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимлар меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаб берди. Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаб, жамият ходимларининг билимлари, малакалари ва қобилиятларига қараб ишни ташкиллаштирди. Бозорлар фаолиятини белгиловчи, тартибга солувчи қарорлар, ҳукуматимиз ва раҳбарият томонидан қўйилаётган талабларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаб борган ҳолда, жамиятда 2022 йилда ижобий кўрсаткичларга эришишда унинг хиссаси катта бўлди;

- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-760-сонли қонуни инобатга олиниб Кузатув кенгаши томонидан жамият директорининг меҳнат шартномаси мудатини уч йилга тузиш таклифи киритилгани;

Бунда ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилиши ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича ҳисоботларининг даврийлигига қаралиши белгилангани.

Бошқа таклифлар бўлмади. Овозга қўйилди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2023 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни билан ўзгартириш киритилганлиги, жумладан, 76-1 моддаси қўшимча қўшилганлиги, унда “акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак. Бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар, агар жамият уставида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тарикасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилади” деб кўрсатилганлиги муносабати билан бугунги йиғилишда ҳам мустақил аъзоликка ҳам номзод кўрсатилганини айтиб ўтди.

Йиғилиш кун тартибидаги **тўққизинчи** масала бўйича жамиятнинг қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича хулосаси билан таништирди.

(“FTF-LEA-AUDIT” МЧЖнинг хулосаси илова қилинади)

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531-сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича

ўрнатилган тартибда биржа савдолари орқали берилган танлов эълон натижаларига кўра куйидаги ташкилотлардан таклифлар тушгани:

1. "AUDIT-RUMANS" MCHJ - 18000000 сўм ҚҚС билан;
2. "KRESTON TASHKTNT" MCHJ 16000000 сўм ҚҚС билан;
3. "FTE-LEA-AUDIT" MCHJ 14000000 сўм. ҚҚС билан.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, мажлис катнашчиларига жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги боис янги ишлаб чиқилган ташкилий тузилма лойиҳаси билан таништириб ўтди ва тасдиқлаш таклифини бериб ўтди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги "Корпоратив бошқарув тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРҚ-370-сонли Қонуни таҳририда)га тегишли ўзгартиришлар киритилганлиги, яъни устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги, ушбу ўзгариш 2023 йил 20 апрелдан кучга кириши, шу муносабат билан мазкур қонунчилик талабига амал қилиш мақсадида жамиятнинг амалдаги уставига ўзгартириш киритилиб, янги таҳрирда ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва мажлис катнашчиларини янги таҳрирдаги Устав лойиҳаси билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи масала** юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис А.У.Мирасулов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 18 январдаги ЎРҚ-814-сонли қонуни қабул қилинганлиги, ушбу қонун билан давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятларнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги қайд этилганлиги сабабли, жамиятнинг амалдаги Кузатув кенгаши ҳақидаги низомига ўзгартиришлар киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини айтди ва киритилаётган ўзгартиришлар матни билан таништирди.

Мажлис раиси ушбу масала бўйича бошқа савол ва таклифлар бўлмаганлиги муносабати билан акциядорлардан ўз бюллетенларига овозларини қайд этишларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **14-15-масалалар** бўйича жамият директори Б.Г.Рустамов сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги 101-сонли Фармонига мувофиқ жамиятда корпоратив фаолиятни тартибга солувчи "Ижроия орган тўғрисида"ги, "Аудит қўмитаси тўғрисида"ги, "Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси тўғрисида"ги ҳамда "Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси тўғрисида"ги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлаш, ушбу ҳақида жамият бошқарув органлари қарорлари чиқариш лозимлиги кўрсатилганлиги сабабли, жамиятнинг "Умумий йиғилиш ҳақида"ги Низомига ўзгартиришлар киритилганлиги ва жамиятнинг "Ижроия органи ҳақида"ги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлигини билдириб, ушбу ҳужжатларнинг янги таҳрирда ишлаб чиқилган лойиҳалари билан кенгаш аъзоларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Мажлис раиси умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз'бериш натижалари саноқ хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Кун тартибидаги барча масалаларини муҳокамаси тугагандан сўнг, мажлис муҳокамасига киритилган масалаларга овоз бериш натижалари бўйича тайёрланган баённомани саноқ комиссия раиси А.У.Мирасулов ўқиб эшиттириб, қуйидаги натижалар қайд этилганлигини маълум қилди:

№	Кун тартиби	«Ёқлайман»		«Қаршиман»		«Бетарафман»		Овоз бермаганлар		Хақиқий эмаслар	
1	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
2	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
3	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
4	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
5	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.1	А.А.Раззоков	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.2	М.А.Ирматов	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.3	Д.И.Ганиев	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.4	Т.К.Камолов	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.5	Ф.А.Туляганов	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
8.5	Ф.Д.Зоҳидов	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
9	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
10	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
11	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
12	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
13	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
14	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0
15	Масала	871314	100 %	0	0	0	0	0	0	0	0

#### Қарор қабул қилади.

1. «Миробод дехқон бозори» АЖнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ).

2. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти МЧЖ шаклидаги «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти томонидан 2023 йил 3 мартдаги аудиторлик ижобий фикр хулосаси тасдиқлансин (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ)

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг хулосаси инобатга олинсин ва тасдиқлансин (ёқлаган 871314 та овоз – 100%, қарши – йўқ, бетараф – йўқ);

4. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши йўқ , бетараф– йўқ)

5. Жамиятнинг 2022 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисоб варағи тасдиқлансин (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши йўқ %, бетараф– йўқ).

5.1. Жамият ташқи аудитори «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ томонидан берилган ижобий аудиторлик хулосасига, шунингдек, жамиятнинг бухгалтерия баланс кўрсаткичларига мувофиқ, 2022 йил якуни бўйича 1 730 114 000 сўм соф фойда олингани инобатга олинсин. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 30 декабрдаги «2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги ЎРҚ-813-сонли қонуни 12-бандида «Давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар (шу жумладан, уларнинг таркибига кирувчи корхоналар томонидан) 2023 йилнинг

1. июлига қадар 2022 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизи миқдорида ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендлар ҳисобланади ҳамда 2023 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилади. Шунингдек, устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган олтин қазиб олувчи корхоналар 2022 ва 2023 йиллардаги соф фойдасининг 100 фоизини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига дивидендлар тарзида ўтказишга деб белгилаб қўйилганидан келиб чиқиб, жамият соф фойдасининг 50% қисми яъни, 865057000 сўми акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсин. Жамиятда 2022 йил якуни бўйича эришилган натижаларидан келиб чиқиб, жамият бошқарув органлари ва ходимларини 2022 йил якуни бўйича рағбатлантиришга 495190000 сўм ажратилсин. Жамиятнинг захира жамғармаси тўлиқ шакллантирилганлиги сабабли пул маблағи ажратилмаслиги инobatга олинсин. Қолган 369867000 сўм соф фойда Ўзбекистон Республикаси “Солиқ кодекси”нинг 41 моддаси (41.4) ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 48-моддаси (48.3.) талабларидан келиб чиқиб, акциядорларга дивиденд беришга, яъни капитализация йўли билан жамият устав фондини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан оширишга йўналтирилсин.

6. Жамиятнинг 2023 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик ўзгартириш киритиш шарти билан тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

7. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги “Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ўРҚ-760-сонли қонуни талабидан келиб чиқиб, жамият директори Б.Г.Рустамовнинг меҳнат шартномасини узайтириш тасдиқлансин ва шартнома уч йил муддатга тузилсин (ёқлаган 871314 – 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %, овоз бермади 0 – 0 %).

7.1. Белгилаб қўйилсинки, ҳар йили йил якуни бўйича бўлиб ўтадиган акциядорлар умумий йиғилишида жамият директорининг меҳнат шартномаси масаласи кўриб чиқилади ва бунда меҳнат шартномани давом эттирилишига жамият директорининг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариши ҳолатига, ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлигига қаралади.

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

8.1 Раззақов Аҳад Анварович (жамият устав фондининг 94,39 % акциядори ҳокимият вакили) 871314 - та овоз

8.2 Ирматов Мурод Абдуқахарович жамият устав фондининг 94,39% акциядори ҳокимият вакили) 871314 - та овоз

8.3 Ганиев Дилмурод Ирқинович жамият устав фондининг 94,39% акциядори ҳокимият вакили) 871314 - та овоз

8.4 Камолов Толмас Каримович жамият устав фондининг 94,39 % акциядори ҳокимият вакили) 871314 - та овоз

8.5 Туляганов Файзулла Абдуллаевич (мустақил аъзо) 871314 - та овоз

9. Жамият “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқаруви натижаси -142 “паст” баҳо, фоиз шкала -12 % баҳоси маълумот учун қабул қилинсин, келгусида берилган паст кўрсаткич натижаларини яхшилаш бўйича зарурий чоралар кўрилсин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

10. Жамиятнинг 2023 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “FTE-LEA-AUDIT” МСНЖ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 14 000 000 сўм миқдори этиб белгилансин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави тасдиқлансин ва ўрнатилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилсин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

13. Жамиятнинг “Кузатув кенгаши ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

14. Жамиятнинг “Умумий йиғилиш ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

15. Жамиятнинг “ижроия органи ҳақида”ги Низомига ўзгартиришлар киритилсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 871314 та овоз – 100 %, қарши – йўқ, бетараф– йўқ).

16. Мазкур йиғилиш қарори ижросини таъминлаш жамият ижроия органига юклатилсин.

Баённома имзоланган сана: 24 март 2023 йил.

Мажлис раиси

Т.К.Камолов

Мажлис котиби

С.Б.Назарова